

Уламоларнинг Тошкент шаҳрига ташрифлари давом этяпти



19:55 / 29.06.2021 1049

Ташрифнинг иккинчи кунда Тошкент шаҳар бош имом-хатиби устоз Нуриддин домла Холиқназаров пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташриф буюриб бир қанча кўнгли ярим инсонларнинг ҳолидан хабар олди.

Ташриф давомида тумандаги «Носирхон» жоме масжидида аср намозини адо этиб, кенг жамоатчиликка динимиз аҳкомлари, маънавиятимиз асослари ва юртимизда бўлаётган диний соҳадаги ислохотларнинг мазмун моҳиятини тушунтириб бермоқдалар. Маърифий мазмундаги суҳбатлар эса қалбларга файз бағишламоқда.



